Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 104 (104), 2020 йил 10 июнь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июнь куни миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жаҳон банкининг прогнози бўйича 2020 йилда ялпи глобал маҳсулот 5,2 фоизга, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоизга, Россияда 6 фоизга, Европа Иттифоқида 9,1 фоизга тушиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Хитойда 1 фоиз, Ўзбекистонда эса 1,5 фоиз иқтисодий ўсиш бўлиши тахмин қилинмоқда.

Ўтган уч ойда юртимизда иқтисодиёт тармоқларига 2,3 триллион сўм солиқ имтиёзлари берилди, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3,6 триллион сўм ажратилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари янгича ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали жорий йил иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаб, шу борадаги 8 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

Биринчи — иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш;

иккинчи — камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш;

учинчи — банк тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш;

тўртинчи — тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш;

бешинчи — экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш;

олтинчи — саноатда рақобатбардошликни кучайтириш;

еттинчи — кичик бизнесни ривожлантириш;

саккизинчи — рақамли технологияларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Биринчи масала муҳокама қилинар экан, бюджет тушуми ва харажатларини оптималлаштириш топширилди. Корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ҳисобига қўшимча даромадларни таъминлаш, ташқи қарз битимларини тузишда белгиланган чекловдан ошмаслик бўйича кўрсатма берилди.

Иккинчи йўналиш бўйича бу йил 810 мингта доимий иш ўрнини қайта тиклаш, 310 минг доимий ва 633 мингта мавсумий иш ўрни яратиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йил 8 июнь куни қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилувчи фаолият турлари сони 24 тадан 67 тага кўпайтирилди.

Давлатимиз раҳбари Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, камбағаллик даражаси юқори бўлган қишлоқларга вазирлик ва идораларни бириктириб, мухтожларга кўмаклашиш тизимини яратиш, оилавий тадбиркорлик ва томорқачиликни ривожлантириш бўйича топшириқлар берди. Давлат гранти ҳисобига таҳсил олган талабаларни 3 йил муддатга шундай ҳудудларга меҳнат фаолияти учун йўналтириш таклифи билдирилди.

Маълумки, банк тизимида катта ислоҳотлар белгиланган. Йиғилишда бу чораларни жадаллаштириб, давлат улушига эга ўнта банкда трансформация жараёнини ўз вақтида амалга ошириш, фоиз ставкаларини инфляцияга қарши сиёсат билан уйғунлашган ҳолда пасайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича Бош вазир ўринбосарларига топшириқлар берилди.

Пандемия шароитида экспортни ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш жуда долзарб масала. Ташқи бозорларда талабнинг кескин камайиши экспортчи корхоналаримизга жиддий таъсир қилмоқда.

Шу муносабат билан, бешинчи устувор йўналиш ўлароқ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига экспорт кўрсаткичини 2019 йилгидан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда саноатни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айрим тармоқларда хомашёни чуқур қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг яхлит занжири яратилмагани кўрсатиб ўтилди.

Мисол учун, мисни қайта ишлаш 25 фоиз, ипакчиликда 20 фоизга ҳам етмайди. Тармоқлараро кооперация ҳам тўлиқ йўлга қўйилмаган. Жумладан, электротехника ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзаро кооперация ҳисобига камида 80 миллион долларлик маҳсулот тайёрланса бўлади. Ёки кимё саноати тўқимачилик учун синтетик тола ва полиэстер, автомобилсозлик ҳамда қурилиш материаллари соҳасига корд ва турли бўёқлар, озиқ-овқат саноатига ароматизаторлар етказиб бериши мумкин.

Шу боис, замонавий технологиялар трансферини йўлга қўйиш, тармоқларнинг энергия самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи Саноат сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ҳамда озиқ-овқат саноатларига алоҳида эътибор қаратиш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес иқтисодиётнинг ўсиш нуқтаси этиб белгиланган. Йиғилишда тадбиркорларга эркин рақобат муҳитини яратиш учун хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш зарурлиги таъкидланди.

Юқори технологияли тармоқларда кичик бизнес ҳиссаси камлиги қайд этилиб, бундай субъектларни давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Ҳудудларда кичик саноат зоналари ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, 8 июнь куни Президентимиз ҳузурида ўтказилган тақдимот чоғида рақамли технологияларни тезкор ривожлантириш, уларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш вазифалари келишиб олинган эди. Бу борадаги ишларни саккизинчи устувор йўналишга мувофиқ ташкил қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарлар иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қисқа ва ўрта муддатда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ўз таклифларини билдирди.

ЎзА

**Муносабат**

## ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

### фойдали қазилма захираларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади

**Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган "Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Ўзбекистон каби фойдали қазилмаларга бой мамлакат тараққиётида муҳим ҳаётий аҳамиятга эга.**

Чунки узоқ йиллардан буён мамлакатимизда геология соҳаси учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳозирги давр талабларига мослаштириш эҳтиёжи мавжуд эди. Қолаверса, геология соҳасининг турли йўналишлари бўйича юртимизда узоқ йиллар давомида шаклланган илмий мактабларнинг муносиб давомчиларини тайёрлаш зарурати шундай салмоқли меъёрий ҳужжат қабул қилинишини тақозо этарди. Шу маънода, Геология фанлари университетининг ташкил этилиши соҳа ривожи йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ҳали олдинда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар турибди. Уларнинг ижроси мазкур университет фаолиятига бевосита дахлдор.

Шу йил аввалидан буён Президентимиз геология соҳасини такомиллаштириш бўйича бир неча бор йиғилиш ўтказиб, қатор топшириқ ва кўрсатмалар берди. Жумладан, жорий йилнинг 27 апрель куни геология соҳасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда инвестиция лойиҳалари доирасида минерал бойликларни қазиб олиш самарадорлигини ошириш, ускуналарни янгилаш ва модернизация дастурини амалга ошириш ҳамда ер ости сувларидан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда

**Видеоселектор**





## ХОНАДОН ОБОД БЎЛСА, ЮРТ ҲАМ ОБОД БЎЛАДИ

**Давлатимиз раҳбари жорий йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида маҳаллалар ободлиги, кўчалар ва хонадонларимизнинг файзи ва саришталигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш ишларини янада кучайтириш бўйича мутасадди ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйди.**

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида маҳалла тизими фаолиятида учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" тамойилларини ижтимоий ҳаётга кенг жорий этишнинг устувор вазифалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ана шу жиҳатларга тўхталиб ўтилди.

Тизимнинг барча вилоятлардаги ходимлари билан мулоқотда янги тамойилнинг асосий жиҳатлари, бу борада вазирликнинг қуйи тузилмалари олдида турган долзарб вазифалар, уларни амалга ошириш чора-тадбирлари мукаммал тушунтирилди.

### Маҳалла — адолат мезони

Ўтган давр мобайнида маҳалла тизими фаолиятини ривожлантириш, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган янги тизимни ҳар бир маҳаллада жорий этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллаларда ишни тўғри ташкил этиш, камбағалликни қисқартириш, томорқадан самарали фойдаланиш, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вазирлик томонидан бир қанча дастур ва режалар ишлаб чиқилди.

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 8 июнь куни ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар ижроси бўйича тақдимот ўтказилди



Модернизация дастурининг амалга оширилиши туфайли жорий йилда қидирув ишлари ҳажмини 35 фоиз ошириш, йил охирига қадар 16 та углеводород конини аниқлаш ва 23 та янги конда захиралар ҳажмини тасдиқлаш кутилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 10 июнь, 104-сон

Видеоселектор

# ХОНАДОН ОБОД БЎЛСА, ЮРТ ҲАМ ОБОД БЎЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Видеоселекторда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов соҳа вакилларининг ўз вазифаларини янада уюшқоқлик билан бажариши учун, энг аввало, ишга муносабат ва масъулиятни ошириш, ҳудудлардаги ишларни тўғри ташкил этиш, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "маҳалла адолат мезони эканлиги, уларнинг иши адолат мезонларига таяниши лозим"лигини ҳар доим юракдан ҳис қилиш зарурлигини таъкидлади.

*— Ҳар бир оила, кўча ва маҳаллаларимизда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" тамойилларини кенг жорий этиш бўйича белгилаб берилган вазифаларни барчамиз, аввало, ўз иш услубимиз учун асосий тамойил сифатида белгилаб олишимиз, бу ғояларни кенг жамоатчилик орқали халқимиз турмуш тарзи ва маданиятига сингдиришимиз лозим, —* ***деди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов.*** *— Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида обод гўшалар, кўркам масканлар, маҳаллаларимизда намунавий хонадон ва кўчалар сони ортиб бораверади. Шундагина одамларимизнинг ўз келажагига ишончи юксалиб, яшашга интилиши янада кучаяди. Бир сўз билан айтганда, ободлик бор жойда файзу барака, ривожланиш бўлади.*

### Ҳаракатлар режаси нимани назарда тутади?

Йиғилишда мазкур тамойилларни амалиётга жорий этиш, ҳар бир оилада маиший маданиятни мустаҳкамлаш, хонадонлар ва кўчаларни обод қилиш бўйича белгилаб берилган муҳим вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ушбу муҳим ҳаётий аҳамиятга молик тамойилларни республикамизнинг барча маҳаллаларида қарор топтириш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан шу йилнинг 10 июнидан бошлаб аҳоли орасида тарғибот ва амалий чора-тадбирларни июнь-август ойларида амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

Олтита йўналиш ва 44 та банддан иборат ушбу режаси ижросини таъминлаш доирасида карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар олиб борилади ва амалий чоралар кўрилади.

### Нуронийлар насиҳати — кўркамлик кафолати

Мазкур хайрли ва савобли ишларга туман ва шаҳарларда ташкил этилган Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари аъзолари ҳам фаол жалб этилади. Шунингдек, кам таъминланган ва камбағал оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатга лаёқатли аъзоларини касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш, даромад манбаини шакллантириш орқали уларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

*— Ижтимоий фаол кекса авлод вакилларини кенг жалб этган ҳолда, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар ўтказилади, —* ***дейди маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Содиқжон Турдиев.*** *— "Саломатлик учун беш минг қадам" шиори остида ҳар куни кечки пайт маҳаллаларда ташаббускор нуронийлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида пиёда юриш тадбирлари ташкиллаштирилади. Ҳаракатлар режасида белгиланган чора-тадбирларни карантин қоидаларига қатъий риоя этган, ижтимоий масофани сақлаган ҳолда амалга ошириш чоралари кўрилади.*

Йиғилишда ҳаракатлар режаси доирасида ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти Оққўрғон туманида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури мисолида ҳар бир туман (шаҳар) ўз дастурини тасдиқлаб, шу асосда иш олиб бориши зарурлиги қайд этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
журналист

Янгича ёндашув

# ҲУНАРИ БОР КАМБАҒАЛ БЎЛМАЙДИ

## Манзилли дастурга кўра, ҳунармандчилик йўналишидаги 2445 та лойиҳага 123 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган

**Санобар ЖУМАНОВА,**
"Янги Ўзбекистон" мухбири

— Фарғона вилоятининг халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг тарихий марказларидан бири бўлган Марғилонда кўп асрлик анъаналарни асраб-авайлаш ва давом эттириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу асосда ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Ҳунармандлар маркази ташкил этилган эди, — дейди "Ҳунарманд" уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Ўзим ҳам атлас-адрас тайёрловчи ҳунармандларнинг тўққизинчи авлоди вакилиман. Шу боис, таъкидлаб айтаманки, ҳунарманднинг ишлаши, тажриба ва малакасини ошириши, яратган маҳсулотларини сотиши учун ҳозиргидай шарт-шароитлар ҳеч қачон яратилмаган. 2020 йилдаги манзилли дастурга кўра, ҳунармандчилик йўналишидаги 2445 та лойиҳага 123 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланди. Жорий йил бошидан айни кунгача ҳунармандларимизга 31 миллиард сўмдан зиёд кредитлар тақдим этилди. Шунингдек, энди улар тайёрлаган маҳсулотлардан қурилиш соҳасида интерьер дизайнида кенг фойдаланиш белгиланди. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, қурилиш сметасига киритиш мумкин бўлган 12 та йўналишимизда 72 хил қурилиш маҳсулоти мавжуд экан. Уларнинг меҳнатига талаб ортади, маҳсулотлар савдоси амалга оширилади, шогирдларни иш билан таъминлаш имкони кенгаяди. Бу ҳунармандлар учун катта қулайлик.

Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусовнинг таъкидлашича, ёғоч ўймакорлигининг турли безак ва нақшлар асосидаги намуналаридан фойдаланиш бинолардаги шарқона услубни таъминлайди. Риштон анъанавий кулоллик мактаби усталаридан бири Равшан Тожиддиновнинг фикрича, бинолар қурилишида керамик кошинлардан фойдаланиш меъморий кўринишларга ўзига хос гўзаллик бахш этади.






Марғилонда Ҳунармандлар марказидан ташқари Ҳунармандлар бозори фаолият юритиши ва шогирдлар тайёрлашга мўлжалланган 24 та ҳунарманд хонадон ҳам қурилган. Бугунги кунда ҳунармандлик билан шуғулланувчи мингдан ортиқ хонадони бўлган Марғилон шаҳри учун бундай марказ ва бозорлар жуда зарур. Зеро, шаҳарда соҳанинг миллий матолар тўқиш, тикувчилик, миллий пойабзал ишлаб чиқариш, ёғочсозлик, ўймакорлик, дўппидўзлик, тўнчилик, темирчилик, мискарлик каби 17 та тури ривожланган.

— Давлатимиз раҳбари ташрифи ва фаолиятимизга берган баҳосидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди, янги марраларга интилиш, эл корига яраш иштиёқи ортди, — дейди моҳир уста Иброҳимжон Султонов. — Марғилон Ҳунармандлар марказида ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида иш билан таъминлаш имкони мавжуд. Биз аёлларга гилам, атлас, адрас ва бахмал тўқиш сирларини ўргатамиз, ишга қабул қиламиз, уйида ўтириб ишлаши учун шароит яратиб берамиз. Қўлида ҳунари бор инсон камбағал бўлмайди, муҳтожлик кўрмайди. Марказда 600 нафар уста фаолият юритаётган бўлса, 2 мингга яқин хотин-қиз, ёшлар уйида ўтириб ишламоқда. Эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Бунинг учун бизга субсидия ва грантлар ажратилиши белгиланди. Уларни ишлаб чиқариш дастгоҳлари харид қилиш янги иш ўринлари яратиш учун сарф-лашни режалаштиряпмиз.

Марказ ташкил этилишида ҳамма нарса миллий бўлишига эътибор қаратдик, ҳатто мебеллар ҳам атлас ва адрасдан қилинган. Миллийликка уйғунлаштирилган. Марказга ташриф буюрувчилар атлас, адрас, шойи, бахмал, беқасам матолари тайёрланишидаги тўқишдан гул чизишгача бўлган 16 та босқични кузатади. Бундан ташқари, меҳмонларга фотосессия ўтказиши учун имконият яратилган. Тикув цехимизда сайёҳлар ўзларига ёққан матодан миллий дизайндаги либосни тиктириб олиб кетиши мумкин.

Айни пайтда марказда 200 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Гиламларнинг асосий қисми хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Тоза ипакдан тўқилган, табиий бўёқларда бўялган матолар ҳам харидоргир.

Муносабат

# ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

## фойдали қазилма захираларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида олтин, кумуш, мис ва саккиз турдаги металл бўлмаган фойдали қазилмалар захирасини, минерал қазиб олиш ҳажмини камида 1,5 баравар ошириш вазифаси қўйилди. Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, мавжуд ускуналарни янгилаш ва модернизация қилиш кераклиги таъкидланди.

Геология соҳасини модернизация қилишга ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Хусусан, 2017 йилда шу мақсадда 52,5 миллиард сўм, 2018 йилда 185,3 миллиард сўм, 2019 йилда 160,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу йил бурғилаш, тоғ-кон, лабораторий, геофизика, энергетика ускуналари, махсус жиҳозлар, ёрдамчи ва бошқа турдаги ускуналарни модернизация қилиш учун 512 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилиши кутилмоқда. Маблағларнинг мақсадли сарфланиши натижасида сўнгги уч йил ичида соҳадаги техник жиҳозларнинг учдан бир қисми модернизация қилинди.

Замонавий ускуналардан фойдаланиш техник имкониятлар туфайли илгари кириш имкони мавжуд бўлмаган объектларга кириш, таъмирлаш вақтини қисқартириш орқали қудуқларни бурғилаш тезлиги ва сифатини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, барча босқичдаги иш вақтини қисқартириш, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ва мураккаб конструкцияли қудуқларни бурғилашга имкон беради. Масалан, замонавий ускуналар ёрдамида бурғилаш чуқурлигини 800 метрдан 1200 метргача, иш самарадорлигини 1,7 баравар ошириш мумкин. Шунга кўра, жорий йилнинг 1 июлига қадар давлат бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига юздан ортиқ ускуна модернизация қилиниши кутилмоқда.

Модернизация дастурининг амалга оширилиши туфайли жорий йилда қидирув ишлари ҳажмини 35 фоиз ошириш, йил охирига қадар 16 та углеводород конини аниқлаш ва 23 та янги конда захиралар ҳажмини тасдиқлаш кутилмоқда.

Global Mapper (географик маълумот тизими учун дастурий таъминот), Erdas imagine (географик ва гиперспектрал тасвирларни, шунингдек, вектор маълумотларни қайта ишлаш учун дастурий таъминот) ва ENVI (географик ахборот тизимлари мутахассислари, масофадан зондлаш бўйича олимлар ва тасвир аналитиклари томонидан фойдаланиладиган тасвирни таҳлил қилиш дастури) каби фазовий маълумотларни қайта ишлаш имконини берадиган замонавий географик ахборот технологияларидан фойдаланмай келажакда геология-қидирув ишларини тасаввур қилишнинг иложи йўқ.

Ўзбекистонда энг янги геоинформацион технологиялардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани чуқур қатламлар тўғрисида аниқ-равшан маълумот олиш ва улкан ҳудудларни тадқиқ қилишда вақт ва ресурсларни тежашга хизмат қилади.

### Соҳанинг инвестициявий жозибадорлиги

Ўзбекистонда 2025 тадан ортиқ кон мавжуд. Жумладан, қурилиш материаллари бўйича 867 та, ер ости сувларининг 649 та, углеводородлар (нефть, газ, конденсат) нинг 244 та, қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш)нинг 97 та, рангли ва нодир металларнинг 12 та, радиоактив металларнинг 38 та, кон хомашёларининг 37 та, кон-кимёнинг 32 та, қимматбаҳо тошларнинг 30 та, кўмир ва нефть сланецининг 7 та, қора металларнинг 5 та ресурси қайд этилган.

Баъзи фойдали қазилмалар (олтин, уран, мис, фосфоритлар, молибден ва бошқалар) захиралари бўйича Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киради. Нуфузли халқаро консалтинг компанияларидан бири — BCG ҳисоб-китобларига кўра, кейинги ўн йил ичида мамлакатнинг инвестициявий салоҳияти 65 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда. Шундан 45 миллиард долларлардан ортиғи хомашё саноати ҳиссасига тўғри келади.

Соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ҳамда халқаро инвестициялар оқимини ошириш учун халқаро стандартларнинг ҳисобот шаклларига ўтиш талаб этилади. Халқаро миқёсда тан олинган стандартлар орасида ажралиб турувчи JORC кодексида минерал қидирув натижалари ва маъдан захиралари тўғрисидаги оммавий ҳисоботни қўллаш бўйича муайян стандарт, тавсия ва принциплар мавжуд. Кодекснинг асосий принциплари шаффофлик, аҳамиятлилик ва ваколатдир.

Шаффофлик ва аҳамиятлилик кодекснинг асосий тамойиллари бўлишига қарамай, халқаро даражадаги юқори сифатли ҳисоботни тақдим этишнинг асосий таркибий қисми ваколатли мутахассислар, яъни малакали кадрлар бўлиб қолмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, уч ой давомида чет эллик мутахассисларни жалб қилиш орқали 25 нафар геологни JORC стандартлари бўйича маълумот тайёрлашга ўқитиш топшириғи берилди. Бу юқори салоҳиятли инвесторлар талаби ва кутиладиган натижаларни тўлақонли акс эттирувчи жаҳон стандарти даражасидаги ҳисоботларни тайёрлаб боришни таъминлайди.

Бундан ташқари, Президентимиз бир ой ичида Қизилтурук (олтин) ва Сангрунтов (сланец) конларига Жаҳон банки билан, Оқтепа (кумуш) ва Жетимтов (фосфорит) конларига эса Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан инвесторларни жалб қилиш бўйича келишувларга эришиш бўйича топшириқ берди.

Ўзлаштириш учун тайёр бошқа 16 та конга инвесторларни жалб қилиш бўйича халқаро молия институтлари билан 2020 йил 1 ноябргача музокаралар ўтказиш режалаштирилган. Хорижлик инвесторларни жалб этиш тўғридан-тўғри янги технологияларни трансфер қилиш, захираларни ривожлантиришни жадаллаштириш ва натижада минтақавий иқтисодий фаолликни рағбатлантириш, бандликни ошириш ва солиқ тушумларини кўпайтиришга хизмат қилади.

### Қўмита фаолиятининг такомиллашуви

Сўнгги йилларда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг функционал салоҳиятини мустаҳкамлаш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатнинг табиий бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурияти ҳисобга олинса, бу қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 1 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида қўмитанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 ноябрдаги "Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, янги углеводород хомашёси конларини очиш учун нефть ва газ истиқболли тузилмаларини аниқлаш ҳамда тайёрлашга қаратилган илмий-тадқиқот, регионал геологик-тасвирлаш, геофизик ва бурғилаш ишларини олиб бориш ҳамда республика углеводород хомашёси захираларини жадал ривожлантириш ва қайта тиклаш, янги углеводород хомашё конларини очишга қаратилган геология-қидирув ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ишларини ташкиллаштириш Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси зиммасига юклатилди.

### Норматив-ҳуқуқий база

Шу йил 27 апрель куни геология соҳасини ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Амалдаги қонун 2002 йилда қабул қилингани инобатга олинса, мазкур меъёрий ҳужжатни саноатни ривожлантириш тенденциялари ва соҳадаги энг яхши хорижий тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келгани аён бўлади.

Мазкур топшириқни ўз вақтида ва самарали бажариш мақсадида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ томонидан Туркия, Чили, Хитой, Канада, Германия, Россия, Қозоғистон ва Австралия каби давлатларнинг ер ости бойликлари ва ер ости бойликларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўрганилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, Австралия, Туркия, Канада, Германия ва Россиянинг мазкур соҳадаги қонунлари комплекс хусусиятга эга. Улар ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни батафсил, тўғридан-тўғри тартибга солади.



Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиёт тармоқларини хомашё билан таъминлашда геология соҳасидаги ишларни такомиллаштиришнинг аҳамиятини алоҳида қайд этган эди.

Шунга кўра, соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлардан бири — янги таҳрирда ишлаб чиқилаётган "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тўғридан-тўғри рақобат тамойилларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Яъни фойдали қазилмаларга бўлган ҳуқуқларни тақдим қилишнинг рақобатга асосланган шартларини батафсил белгилаб қўйиш керак. Шу билан бирга, ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари кучайтирилиши, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари уларнинг фаолиятига аралашиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

### Илмий ва инновацион салоҳият

Сўнгги йилларда Ерни масофадан зондлаш фойдали ресурсларни ўрганиш ва бошқариш учун ажралмас воситага айланди. Кузатув турли диапазонда электромагнит нурланишини қайд этадиган махсус кўп каналли ускуналар билан жиҳозланган самолётлар ва космик кемалар ёрдамида амалга оширилади. Масофадан туриб зондлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда, Ерни ўрганишнинг бир нечта усули мавжуд. Сунъий йўлдошдан олинган суратлар ёрдамида сиртдан суратга олиш, шунингдек, чуқурликдаги тоғ жинсларининг хусусиятларини акс эттирувчи ҳаводан олинган аэрогеофизик маълумотларга ишлов бериш шулар жумласидандир.

Табиий захираларни қидириш ва қазиб олиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан йил охирига қадар сунъий йўлдош орқали олинган сурат ёрдамида аэрогеофизик услубда геологик тадқиқотларни ташкил этиш топшириғи берилди. Бундай услуб ва технологиялар қидирув ишларининг дастлабки босқичларидан қазиб олинадиган фойдали қазилмаларни ташишгача бўлган барча босқичда қўлланилади.

Аэрогеофизик технологияларнинг афзаллиги шундаки, юқори маҳсулдорлик (бир самолётда ойига 30 минг километргача масофани босиб ўтиш мумкин) билан бирга ўрганилаётган ҳудудларда техноген юк бўлмайди. Анъанавий усуллардан фойдаланиш (сейсмик қидирув ва бурғилаш), одатда, логистика билан боғлиқ қийинчиликларга дучор қилади. Бу эса лойиҳалар қийматининг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Бундай шароитда аэрогеофизик усулларнинг қўлланилиши оғир геологик ва геофизик ишларни режалаштириш ҳамда амалга оширишни оптималлаштириш орқали қисқа вақтда ўрганиш зонасининг геологик тузилиши тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни олиш имконини беради.

Ушбу усулларни қўллаш долзарблигини ҳисобга олиб, 2019 йилда Марказий Осиёда биринчи замонавий аэрогеофизик комплекс ишга туширилиб, минерал ресурсларни ўрганишнинг инновацион усуллари жорий этилди. Геологик ишларнинг дастлабки босқичида замонавий географик ахборот технологияларига асосланган, дунёда кенг қўлланиладиган дастурлар, шунингдек, улкан ҳудудларда тадқиқот олиб бориш ва юқори аниқликда чуқур фойдали қазилма конларини тасвирга олиш имконини берувчи сунъий йўлдошлардан олинган суратлардан кенг фойдаланилмоқда.

Геология соҳасидаги тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалий ва инновацион лойиҳалар танлови ўтказилмоқда. Танловнинг мақсади геологик ривожланишнинг долзарб муаммолари, реал эҳтиёжлари ва минтақавий муаммоларини ҳал этишга қаратилган юқори технологияли маҳсулотлар ва инновацион технологияларни яратишдир.

Бундан ташқари, геология соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Геология ва геофизика, минерал ресурслар, гидрогеология ва муҳандислик геологияси, нефть ва газ конларини қидириш институтлари негизида Геология фанлари университети ташкил этилиши кутилаётган эди. Давлатимиз раҳбари қарори билан бу масала ҳам ечимини топди. Қарорда тоғ-металлургия соҳасидаги геология фанлари ва корхоналарининг илғор назарий билимларини бирлаштириш, рақамли геология ва тоғ жинслари ҳамда минералларнинг миллий электрон базаси лойиҳасини амалга ошириш, шунингдек, талабаларни юқори аниқликдаги космик фотосуратлар асосида Ерни масофадан зондлаш усуллари бўйича ўқитиш кўзда тутилган.

**Алишер ХОЛМУРЗАЕВ,**
**Муҳаммад БОБОЖАНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази бош илмий ходимлари

Юртимизда суғурта бозори таркибининг номутаносиблигини кўриш мумкин. Яъни ихтиёрий суғурта турлари 82 фоиз, мажбурий турлар эса 18 фоиздир. Ривожланган мамлакатларда эса мажбурий суғуртанинг улуши 50 фоизни ташкил этади.



Атроф-муҳит



# ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИНИ МУҲОФАЗАЛАШ

## қишлоқ хўжалигида мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди

**Зафаржон ЖАББОРОВ,**
биология фанлари доктори,
профессор

**Шавкат ХОЛДОРОВ,**
"Тупроқсифаттаҳлил" ДУК
бош мутахассиси

**Одамзод азалдан табиат билан уйғунликда яшаган. Қадим замонларда довдарахт, ўт-ўланлар ястаниб ётган ям-яшил оламда инсонлару жонзотларнинг ҳаёт кечириши учун барча нарса етарли эди. Аммо вақт ўтиб, инсон онгининг ривожланиши натижасида унинг табиатга аралашуви ортди. Барча соҳалар тараққий этгани сари Ер юзида инсон қадами етмаган жой қолмади ҳисоб. Алалоқибат, сайёрамиздаги жонли табиат ҳудуди қисқариб, атрофимизни саноат корхоналарию баланд бинолар ўраб олянти.**

Бу жараёнлар тупроққа ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Жаҳон миқёсида турли саноат корхоналари, иссиқлик электр станциялари (ИЭС), табиий конларнинг ўзлаштирилиши, шаҳар ва йўлларнинг қурилиши ва бошқа омиллар ҳисобига тупроқнинг кимёвий моддалар билан ифлосланиш даражаси йил сайин ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз мисолида олиб қаралганда, бугун Ўзбекистонда суғориладиган ерлар умумий ер фондининг 9,6 фоизини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий қисми айнан шу суғориладиган ерларда етиштирилади. Бироқ уларнинг хосса-хусусиятлари ва унумдорлиги талаб даражасида эмас. Хусусан, суғориладиган ерларнинг 60 фоизи турли даражада шўрланган, муайян қисми эрозияга учраган, шунингдек, чўлланиш, ботқоқланиш, озуқа элементлари етишмаслиги, кимёвий ифлосланиш, техноген бузилиш унумдорлик пасайишига, айрим ҳолларда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Ўтган вақт давомида юртимизда техноген бузилган тупроқлар рекультивациясига оид тадқиқотлар ёки илмий ишлар салмоғи ниҳоятда кам экани кўзга ташланади. Ер майдони деярли ҳисоб-китоб қилинмаган, мониторинги, таҳлили ҳам етарлича олиб борилмаган.

Аслида республика бўйича минглаб саноат корхоналари, табиий конлар ва бошқа манбалар атрофида минглаб гектар суғориладиган ер мавжуд. Уларнинг техноген бузилишини ўрганиш, асосий манбалари, омилларини аниқлаш, мос рекультивация технологиясини яратиш жуда муҳим.

Ҳозир дунёнинг аксарият мамлакатларида иссиқлик электр станциялари (ИЭС) дан кенг фойдаланилади. Аммо улар, асосан, кўмир ҳисобига ишлагани боис, атроф-муҳит, хусусан, тупроққа катта зарар етказади. Улардан чиқадиган кўмир, шлак ва кул чиқиндилари ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. ИЭСлар фаолияти мобайнида тупроқ қопламига чиқиндилар, асосан, кул шлаклари кўринишида тўғридан-тўғри чиқарилади, муайян қисми эса ёниш давомида атмосферага чиққан тутун орқали тупроққа тушади. Бир неча ўн йиллар давомида тупроқда уларнинг миқдори кўпайиб, тупроқ хоссаларига турлича таъсир қилади.

Туркия ва унга яқин давлатларда тупроқларнинг техноген бузилишига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига бўёқ, пластик, электр, металл, тўқимачилик, ёғоч, автосаноат, озиқ-овқат, косметика, қадоқлаш ва бошқа саноат тармоқлари ҳам киритилган. Таҳлиллар жараёнида аниқланишича, мавжуд металлургия комбинатларидан, асосан, унинг атрофидаги тупроқ ва ўсимлик қоплами зарар кўрган. Бунда аэротехноген ифлословчилар тупроқнинг нафақат устки органик қисмига, балки пастки минерал қатламларига ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Техноген бузилган тупроқлар олимлар томонидан кам ўрганилган тадқиқот бўлиб, тоғ-кон саноати чиқиндилари тупроқ деградациясининг асосий сабабларидан биридир. Йиллар давомида урбанизациялашиш жараёни ривожланиб, саноат корхоналарининг сони ортиши ҳисобига шаҳар тупроқлари, асосан, нефть маҳсулотлари ва бошқа моддалар билан ифлосланган. Натижада тупроқнинг зичлиги ортиб, актиномицетлар, гетеротроф, нитрификатор, денитрификатор бактериялар, замбуруғлар миқдори камайган, тупроқнинг нам ушлаш қобилияти пасайган.

Ҳар қандай саноат корхонаси чиқиндилари тупроқнинг техноген бузилишига олиб келади. Атроф-муҳит камроқ зарар кўришини таъминлаш учун эса чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Бугун чиқинди муаммоси нафақат Ўзбекистон, балки дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Айни вақтда чиқиндихоналар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда 12 минг гектар майдонни эгаллаб туриши улар атроф-муҳитга қанчалик салбий таъсир кўрсатаётгани хусусида тасаввур этишга имкон беради.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларида металлургия ва кимё саноати корхоналари фаолияти натижасида тупроқнинг оғир металлар билан ифлосланиши ва бошқа салбий таъсирлар ўрганилди. Натижалар мис, рух, қўрғошин, кадмий ва фторнинг аксарият қисми тупроққа техноген манбалар орқали тушиб, ундаги органик, минерал моддалар, майда чанг, лой коллоид заррачалари томонидан адсорбция қилинишини кўрсатди.

Тупроқларнинг таназзулга учраши турли омиллар таъсирида вужудга келади ва бу унинг унумдорлигини пасайтиради. Шу нуқтаи назардан унинг муҳофазасига оид муаммоларни ҳал этиш учун миллий қонунчилигимизда тегишли ишларни амалга ошириш лозим.

Бундан бир ҳафта олдин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига "Тупроқлар ва улар унумдорлигини муҳофазалаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қўйилиши бу борада амалга оширилаётган муҳим ишлардан бири бўлди. Мазкур қонун моҳияти жиҳатидан долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, у тупроқни атроф-муҳитнинг муҳим таркибий қисми сифатида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бирга, уларнинг экологик функцияларини муҳофаза қилиш ва тиклашнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, у ўзида атроф-муҳитнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, табиий экологик тизимларни муҳофаза қилиш, тупроқлардан самарали ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, уларнинг сифати ва унумдорлигини сақлаш ҳамда салбий таъсирлардан ҳимоя қилишни акс эттиради. Қонуннинг қабул қилиниши тупроқларни ўрганиш, муҳофаза қилишда зарур ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Умуман, бугун инсониятга туҳфа этилган табиатнинг ҳар бир заррасини асраш, ҳаёт кечиришимиз учун ўз неъматларини аямаётган она замин бойликларини муҳофаза қилиш, келажак авлодга мусаффо атроф-муҳитни етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Суғурта хизмати

**Камолиддин ЮСУПОВ,**
Молия вазирлиги ҳузуридаги
Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги директори

**Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли мазкур соҳа иқтисодиётнинг ажралмас қисмидир.**
**Айни пайтда юртимиз суғурта бозорида 36 та суғурталовчи, шундан 28 таси умумий суғурта ва 8 таси ҳаётни суғурта қилиш тармоғида, шунингдек, 5 та суғурта брокери, 5 та актуар ташкилот ҳамда 22 та ассистанс, аджастер, сюрвейер компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда.**

# ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ,

## суғурта компаниялари ва суғурталанувчилар ўртасида самарали алоқаларни тизимли йўлга қўйиш зарур



Маълумотларга кўра, 2020 йилнинг ўтган даврида 503,1 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган. Суғурталовчиларнинг ялпи устав капиталлари 782,4 миллиард сўмга ва иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 2 834,9 миллиард сўмга етган. Амалдаги шартномалар сони етти миллионта.

2020 йил I чорак якуни бўйича суғурта мукофотлари ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 0,5 фоизини, аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари 14,7 минг сўмни ташкил қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 176,9 миллиард сўм миқдорида суғурта тўловлари амалга оширилган бўлиб, шундан 141,2 миллиард сўми ихтиёрий ва 35,8 миллиард сўми мажбурий суғурта турлари бўйича тўланган.

Соҳада ютуқлар билан бирга қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, юртимизда суғурта бозори таркибининг номутаносиблигини кўриш мумкин. Яъни ихтиёрий суғурта турлари 82 фоиз, мажбурий турлар эса 18 фоиздир. Ривожланган мамлакатларда эса мажбурий суғуртанинг улуши 50 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 36 та суғурта компанияси мавжуд бўлса-да, суғурта бозоридаги жами хизматлар 15 та компания улушига тўғри келади. Бу эса суғурта бозори салоҳиятининг тўлиқ ишга солинмаётганидан дарак беради. Бундан ташқари, бошқа давлатларда ҳаётни суғурталаш ҳиссаси 50 фоизни, бизда у бор-йўғи 16 фоизни ташкил қилмоқда.

Дунё суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан 1000 дан зиёд турдаги суғурта хизматлари кўрсатилади ва уларнинг 300 таси ҳаётни суғурталашга қаратилган бўлиб, суғурталанувчиларнинг талаб ва истаклари инобатга олинган. Мамлакатимизда эса кўплаб турдаги, масалан, молиявий институтлар мажбуриятлари, директорлар ва менежерларнинг акциядорлар олдидаги мажбуриятлари суғуртаси кабилар йўлга қўйилмаган.

Таҳлилларга қараганда, соҳада қатор муаммолар бор. Булар, асосан, суғурта компаниялари ва суғурталанувчилар ўртасида самарали алоқалар йўқлиги, мижоз сўровларига кечикиб муносабат билдириш туфайли хизмат натижадорлигининг пастлиги билан изоҳланади.

Суғурта бозорининг жуғрофий жиҳатдан юқори концентрациялашгани ҳам асосий муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам суғурта мукофотларининг асосий улуши — қарийб 66 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳаётни суғурта қилиш ҳамда мажбурий суғурта турлари бўйича амалга оширилган тўловлар инобатга олинмаганда, умумий суғурта тармоғида зарарлилик даражаси бор-йўғи 9 фоизни ташкил қилгани суғурта турлари бўйича деярли тўловлар бўлмаганини кўрсатмоқда. Бундай натижа деярли барча ҳаёт суғуртаси компаниялари суғурта мукофотлари тушумларининг ўтган йилги даражасини ҳам таъминлай олмаганидан далолатдир.

Молия вазирлигига мижозлардан келиб тушган шикоятларнинг аксарият қисми тўловлар юзасидан бўлиб, улар кўриб чиқилганидан сўнг суғурта компаниялари томонидан 4,5 миллиард сўм миқдорида суғурта тўловлари амалга оширилган.

Аҳолининг аксарият қисми суғурта ва суғурта турлари ҳақида хабардор эмас. Суғурта компаниялари томонидан ҳар йили бир хил тадбирлар амалга оширилиши, реклама харажатлари паст даражада қолаётгани бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўплигидан дарак беради.

Жорий йил юртимизнинг бир қатор ҳудудларида табиий офатлар содир бўлди. Айрим вилоятларда кучли шамол ва ёмғир ҳамда сув тошиши натижасида аҳолининг кўплаб уй-жойларига, иссиқхоналарга, қишлоқ хўжалигига, иқтисодиётнинг кўплаб инфратузилмаларига катта зарар етди. Бундай ҳолатларда суғурта компанияларининг суғурта тўловларини қисқа муддатларда, ортиқча оворагарчиликларсиз амалга ошириши фуқароларнинг соҳага бўлган ишончини, суғурталовчиларнинг аҳоли орасидаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Масалан, Бухоро вилоятида содир бўлган табиий офат оқибатида вилоятнинг Олот ва Қоракўл, шунингдек, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларининг айрим ҳудудларида кўплаб уй-жойлар, иссиқхоналар ва бошқа мулклар зарар кўрган.

Мазкур ҳудудларда 30 мингга яқин суғурта шартномаси имзоланган. Бугунги кунга қадар талафот етган суғурта объектлари бўйича 4,5 миллиард сўм миқдоридаги суғурта қопламалари тўлаб берилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда суғурта хизматлари турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Шу билан бирга, суғурта компаниялари ва суғурталанувчилар ўртасида самарали алоқалар тизимли йўлга қўйилиши, мижоз сўровларига ўз вақтида муносабат билдирилиши хизмат натижадорлиги таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР ЯРАТГАН ДОРИ ВОСИТАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ТОПШИРИЛДИ

**Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 9 июнь куни Хитой – Ўзбекистон тиббий технопаркида ишлаб чиқилган қарийб 20 минг дона «Рутан» дори воситаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига беғараз асосда топширилди.**

Тақдимот маросимида ЎзРФА Биоорганик кимё институти директори, академик Шавкат Солиҳов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори ўринбосари Баҳром Алматов, Фармацевтика саноатини ривожлантириш агентлиги директори Сардор Қориев, Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари Олимжон Тўйчиев, Хитой — Ўзбекистон тиббий технопарки директори Шарофиддин Мирзаахмедов иштирок этди.

ЎзРФА Биоорганик кимё институти олимлари яратган гриппга қарши «Рутан» дори воситаси хитойлик олимлар ўтказган синовлар натижасида SARS CoV-2 типидаги грипп вируси таъсирини 78,3 фоизга сусайтириш хусусиятини намоён қилган. Шу боис, "Рутан" GMP талабларига жавоб берувчи Хитой — Ўзбекистон тиббий технопаркида тайёр дори воситаси сифатида ишлаб чиқилди. 11 минг ўрам ушбу дори воситаси коронавирусга қарши гуманитар ёрдам сифатида Эронга ҳам юборилган эди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда ишга туширилган Хитой — Ўзбекистон тиббий технопаркига 20 миллион доллар миқдорида инвестиция киритилган бўлиб, 300 та иш ўрни ташкил этилган. Марказнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу ерда Шарқ табобатига хос анъанавий даволаш усуллари билан бирга, Ғарб тиббиётининг илғор ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Бугунги кунда технопаркда дори препаратларини 8 хил кўринишда ишлаб чиқарадиган фармацевтика заводи фаолият юритмоқда. Завод GMP талаблари ва халқаро стандартларга тўла жавоб беради.

GMP (Good Manufacturing Practic) — дори воситалари, тиббиёт ускуналари, диагностика жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш меъёрлари, қоидалари ва кўрсатмаларини мужассам этган халқаро тизим бўлиб, бирор препарат яратилса, уни рўйхатдан ўтказувчи ташкилот томонидан жорий этилган талабларга мос равишда ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

ЎзА




| Ҳудудлар номи | Касаллик аниқланганлар (Даволанган жойи бўйича) | Соғайганлар сони ва фоизи | | Вафот этганлар |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 136 | 133 | 98% | |
| Андижон вилояти | 181 | 177 | 98% | |
| Бухоро вилояти | 466 | 450 | 97% | |
| Жиззах вилояти | 3 | 3 | 100% | |
| Қашқадарё вилояти | 11 | 6 | 55% | |
| Навоий вилояти | 242 | 142 | 59% | |
| Наманган вилояти | 270 | 251 | 93% | 4 |
| Самарқанд вилояти | 381 | 321 | 84% | 2 |
| Сирдарё вилояти | Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилган. | | | |
| Сурхондарё вилояти | 44 | 43 | 100% | 1 |
| Фарғона вилояти | 158 | 157 | 100% | 1 |
| Хоразм вилояти | 244 | 233 | 95% | |
| Тошкент шаҳри | 2384 | 1543 | 65% | 10 |

Ўзбекистонда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, илмий тадқиқотларнинг сифатли, ҳаққоний ва виждонан бажарилишини таъминлаш мақсадида ОАК ҳузурида махсус тузилма ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 10 июнь, 104-сон

Ҳуқуқ

# МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР
## ёхуд қонун ижроси билан кучли



Худоёр МЕЛИЕВ,
Адлия вазири ўринбосари

**Жамиятдаги ислоҳотларнинг тамал тоши ҳисобланадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини жойлардаги барча даражадаги раҳбарлар тўла-тўкис билади ва амал қилади, дейиш мушкул. Яқинда секторлар вакиллари билан ўтказилган семинарда уларнинг аксарияти бевосита ўз фаолиятига тааллуқли фармон ва қарорлар ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни билмаслиги маълум бўлди. Демакки, раҳбар ўз фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билмас экан, уларнинг жойлардаги ижроси ўз ҳолига ташлаб қўйилганини англатади. Бундай муаммолар маҳаллий давлат бошқарувида қоғозбозлик, кўзбўямачилик сингари иллатларнинг тобора илдиз отиб боришига сабаб бўлади.**



**Маъмурий тартиб-интизом ўрнатилмас, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда қатъий қонунийликка амал қилиш ва юқори стандартларга жавоб берадиган ҳамкорлик механизми шакллантирилмас экан, халқнинг давлат ташкилотлари фаолияти сифатидан қаноат ҳосил қилиши савол остида қолаверади.**

### Мансабдорлар билиши шарт бўлган муҳим қонун

Жисмоний ва юридик шахслар билан ҳар куни мулоқот қиладиган давлат хизматчилари ва мансабдорлар яхши билиши зарур бўлган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун ҳисобланади.

Ушбу муҳим ҳужжат кейинги йилларда устувор равишда амалга оширилаётган "халқ билан мулоқот", "халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Қонун ижро ҳокимияти органлари фаолиятини замонавий тарзда ташкил қилиш, ички идоравий назорат механизмини кучайтириш, давлат бошқаруви соҳасида расмиятчилик ва суиистеъмолликка чек қўйиш, тезкор ва асосли қарорлар қабул қилиш йўли билан давлат хизматлари кўрсатиш самарасини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этишни кўзда тутади.

### Қонун қай даражада ишлаяпти?

Ушбу қонуннинг қабул қилинганига икки йилдан ортиқ вақт ўтган бўлсада, унинг амалиётга тўлиқ татбиқ қилинишида қатор муаммолар мавжуд эди. Хусусан, айни шу жиҳатлар "Ўзстандарт" ва "Ўзархив" агентликлари томонидан ўрганилди ва бу борада бир қатор тизимли камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Асосий масала қонуности ҳужжатларининг ушбу қонунга мувофиқлаштирилмагани билан боғлиқ. Натижада идораларда қонунда белгиланган меъёрларни эмас, балки соҳавий (махсус) қонун ҳужжатларидаги қонунга мувофиқ бўлмаган талабларни қўллаган ҳолда, маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш амалиёти шаклланган.

Мисол учун, "Ўзархив" агентлиги ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган 11 та давлат хизматидан 8 таси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (маъмурий регламентлар) билан эмас, балки идоранинг ички меъёрий ҳужжатига асосан тартибга солинмоқда.

### Муаммонинг ўз ечими бор

Ушбу муаммоларга чек қўйиш, маъмурий тартиб-таомилларни барча давлат ташкилотлари фаолиятига бир хилда тизимли равишда татбиқ этиш, умуман, маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2020 йил 19 майда қабул қилинган "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Адлия вазирлигига маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш вазифаси юклатилди.

Фармон билан вазирлик тизимида махсус маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва мониторингини юритиш бошқармаси ташкил этилди ва маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланди.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун вазирлик томонидан яқин ва ўрта истиқболда кенг кўламли, комплекс чораларни кўриш режалаштирилган. Хусусан, ушбу қонуннинг қўлланишини ўрганишда парламент палаталари, фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича ишлар олиб борилади.

Фармонга асосан, Адлия вазирлиги 2018–2019 йилларда янги (қайта) ташкил қилинган 8 та вазирлик ва идора фаолиятини, шу жумладан, Қурилиш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ўрганади. Бу ўрганишларда ҳам қонун нормаларининг ижроси масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Айни пайтда қонуннинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунарли шаклда, оддий тилда етказишга қаратилган ахборот материалларни тарқатиш, шунингдек, мавзу бўйича видеолавҳа яратиш, босма материаллар (плакатлар, рисолалар, буклетлар) чоп этиш ва тарқатиш бўйича тадбирлар бошлаб юборилди.

**Қонун ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда қонун нормаларини қўллаш масалалари бўйича давлат хизматчиларининг малакасини ошириш юзасидан ўқув дастурлари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш бўйича ўқув-методик материаллар ва амалий қўлланмалар ишлаб чиқилди.**

Ушбу қонунни бюрократия ва коррупцияга қарши курашдаги муҳим воситалардан бири, деб биламиз. Зеро, маъмурий тартиб-интизом ўрнатилмас, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда қатъий қонунийликка амал қилиш ва юқори стандартларга жавоб берадиган ҳамкорлик механизми шакллантирилмас экан, халқнинг давлат ташкилотлари фаолияти сифатидан қаноат ҳосил қилиши савол остида қолаверади.

Шундай экан, ҳар бир давлат хизматчиси, жумладан, фуқароларимиз ҳам қонунчиликни чуқур ўрганиши жамиятимизни ривожлантиришнинг муҳим кафолатидир. Вазирлигимиз эса давлат хизмати сифатини кўтариш, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни енгиллаштириш, соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз қонунчилигини кенг тарғиб этиш ва жойларда қонуннинг амалиётга тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш борасида чора-тадбирларни изчил давом эттираверади.

Таълим

# ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДАГИ МУАММОЛАР
## илмий тадқиқ этиш орқали ҳал этилади



Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

**Мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида илм-фанни янада равнақ топтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юридик таълим тизимини такомиллаштириш, соҳага инновацион таълим стандартларини жорий этишга эътибор кучайди.**

Замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий база изчил такомиллаштирилмоқда. Диссертациялар сифати ва самарадорлигини ошириш, экспертиза сифатини янада яхшилаш, самарали фаолиятни рағбатлантириш каби ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони тизимда муҳим ўзгаришлар амалга оширилишига йўл очди. Шу асосда бошланган ишлар юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошликни таъминлашга замин яратади.

Ўтган давр мобайнида олий ўқув юртидан кейинги юридик таълимнинг ривожланиш динамикаси ва мавжуд муаммоларини аниқлаш мақсадида 1992–2019 йиллари юртимизда юридик фанлар бўйича муваффақиятли ёқланган диссертациялар таҳлил этилди. Ушбу даврда турли юридик ихтисосликдаги илмий кенгашларда 783 та диссертация муваффақиятли ёқланган.

Бироқ улар орасида "Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ва адвокатура", "Коррупция муаммолари", "Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи" ҳамда "Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация" ихтисосликлари бўйича диссертация ҳимоялари ниҳоятда кам экани маълум бўлди.

Ўз навбатида, илмий кадрларни тайёрлаш ва юридик фанларни ривожлантириш қатор ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни талаб этади.

Биринчидан, илмий кенгашлар томонидан диссертантга расмий оппонентларни белгилашда "манфаатлар тўқнашуви"ни эътиборга олмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Масалан, расмий оппонент сифатида диссертант илмий раҳбарининг муқаддам илмий раҳбарлиги остида ҳимоя қилган шахсларнинг белгиланиши, етакчи ташкилот раҳбари диссертант илмий раҳбарининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган шахс экани каби ҳолатлар бунга мисол бўла олади.

Тўғри, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси(ОАК)нинг қатор низомларида "манфаатлар тўқнашуви"нинг олдини олишга қаратилган нормалар мавжуд. Бироқ мамлакатимизда илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширишда холисликни таъминлаш, илмий тадқиқот ишининг сифатини ошириш мақсадида, аввало, Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида низомнинг 49-моддасидаги етакчи ташкилот бўлиши мумкин бўлмаган ташкилотлар рўйхатига диссертант илмий раҳбарининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган шахс раҳбар бўлган ташкилотни киритиш лозим.

Шу билан бирга, диссертация юзасидан етакчи ташкилот сифатида белгиланган ташкилотга юборилаётган диссертация ва авторефератларда диссертантнинг илмий раҳбари тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинмаслиги ҳам ишнинг холисона муҳокама қилиниши ва объектив тақриз берилишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Иккинчидан, талабга жавоб бермайдиган диссертациялар бўйича илмий ишнинг талабга жавоб бериши юзасидан хулоса берган илмий раҳбарнинг, шунингдек, расмий оппонент ва етакчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш талаб этилади.

Учинчидан, диссертация ва аттестация ишларини эксперт кенгашларида кўриб чиқиш жараёнида аниқланган камчиликлар ҳақида илмий кенгашларни мунтазам хабардор этиб бориш тартиби жорий қилиниши керак.

ОАК ҳузуридаги эксперт кенгашлари томонидан айрим ҳолларда жиддий камчиликларга йўл қўйилган диссертациялар бўйича хулосаларни илмий кенгашларда муҳокама қилиш учун юбориш амалиёти мавжуд. Эксперт кенгаши аъзолари эса кўриб чиқилган деярли барча диссертациялардаги камчиликларни аниқлайди ва муайян хулосалар тайёрлайди.

Экспертлар билдирган хулоса ҳамда тавсияларни умумлаштириш ва диссертантларга илмий кенгашлар орқали маълум қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш вақти келди.

Тўртинчидан, сўнгги пайтларда илмий жамоатчилик, хусусан, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг ўз илмий ишлари натижаларини халқаро эътироф этилган журналларда, жумладан, Scopus индексацияланган маълумотлар базаси рўйхатидаги журналларда чоп эттириши долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ушбу журналлар талабига мос илмий мақолаларни моддий манфаат учун тайёрлаш ва чоп этиш амалиётини секин-аста йўққа чиқаришга хизмат қилмоқда.

Илмий мақола чоп эттириш мақсадида юрганлар бундай шахсларга тадқиқот ишига доир маълумотларни тақдим этади. Буюртмани олганлар эса материалларни нуфузли журналларга мос равишда шаклга туширади.

Ҳозир айрим хорижий давлатларда бундай ишни амалга оширадиган махсус компаниялар бор. Улар мақолаларни кўриб чиқадиган шахслар билан мустаҳкам алоқа ўрнатади. Қисқаси, кўплаб давлатларда илмий мақолалар тайёрлайдиган индустрия фаолияти йўлга қўйилган.

АҚШ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Office of Research Integrity, яъни Тадқиқотнинг ҳалол ва виждонан бажарилиши бўйича идора ташкил этилган. Ушбу ташкилот турли илмий муассасаларда тадқиқотчиларнинг номувофиқ хатти-ҳаракатини кузатиб боради.

Буюк Британияда ҳам тадқиқотларнинг виждонан ўтказилишини таъминлаш мақсадида тадқиқотлар яхлитлиги идораси фаолият юритади. Мазкур идора мустақил маслаҳат органи бўлиб, тадқиқот ташкилотлари ва алоҳида тадқиқотчиларни номувофиқ хатти-ҳаракатларга қарши кураш ишларида қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, илмий тадқиқотларнинг сифатли, ҳаққоний ва виждонан бажарилишини таъминлаш мақсадида ОАК ҳузурида махсус тузилма ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади.



**Илмий раҳбар ва маслаҳатчи тайинлашдаги ушбу чекловлар айрим соҳаларда фан доктори ва илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа докторларининг (PhD) етарли эмаслиги сабабли илмий тадқиқот билан шуғулланиш истагида юрган кўплаб ёшлар учун илмий раҳбар тайинлашда муаммолар келтириб чиқармоқда.**

Бешинчидан, Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низомда фан доктори бир вақтнинг ўзида учтадан кўп бўлмаган изланувчига илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиши мумкинлиги, сўнгги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчиларга олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот институтининг коллегиал органи хулосаси асосида бештадан кўп бўлмаган изланувчи бириктирилиши мумкинлиги белгиланган.

Илмий раҳбар ва маслаҳатчи тайинлашдаги ушбу чекловлар айрим соҳаларда фан доктори ва илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа докторларининг (PhD) етарли эмаслиги сабабли илмий тадқиқот билан шуғулланиш истагида юрган кўплаб ёшлар учун илмий раҳбар тайинлашда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Низомнинг 8-банди учинчи қисмида хорижлик фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга ўрнатилган меъёрдан ортиқ илмий раҳбар ёки консультантлар тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Олтинчидан, диссертация ва бошқа тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, масъулиятни ҳис этиш, ишонч ва ҳалоллик тамойилларини рўёбга чиқариш мақсадида Илмий тадқиқотларнинг этика қоидаларини ишлаб чиқиш вақти келди.

Ўз навбатида, ушбу қоидалар илмий тадқиқот ишларида кўчирмакашлик, яъни плагиат, уйдирма ва қалбакилаштириш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Еттинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг 9-бандида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий педагогик стаж ёки аниқ илмий ютуқ, содда қилиб айтганда, ихтироси учун патент ёки муаллифлик гувоҳномасига эга бўлган шахслар расмийлаштирилиши белгиланган.

Амалиётда катта тажриба тўплаган шахсларни, айниқса, суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган мутахассисларни илмий фаолиятга жалб этишни кучайтириш, назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ этиш мақсадида мустақил изланувчиликка расмийлаштиришдаги ушбу талабларни ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати бор.

Бу борада ўрганилган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий-педагогик стаж фақат муайян фан соҳалари учун талаб этилади. Хусусан, Беларусь Республикасида тиббий фан соҳалари учун мустақил изланувчиларни бириктиришда олинган мутахассислик бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиш, педагогика учун эса олий таълим соҳасида мутахассис сифатида икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиш талаб қилинади.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# ҚАНДАЙ ОИЛАЛАР КЎП БОЛАЛИ ОИЛА ҲИСОБЛАНАДИ?

**Умидахон ЗОКИРОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

**Узоқ вақт кўришмаган танишим билан тасодифан учрашиб қолдик. Суҳбатлашдик. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг тўрт нафар фарзандини мустақил ҳаётда йўлини топиши учун астойдил меҳнат қилгани нигоҳларида намоён эди. Қийинчилик кўргани гапларидан билиниб турарди. Қаранг, умуман ёрдам пули, нафақа пули олмабди, кўп болали оилаларга ажратиладиган имтиёзлардан фойдаланмабди. Бу соддаликми ёки андишами?**



Яқинда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан батафсил танишдик. Таклифларимизни бердик. Мулоҳазалар ўртага ташланди. Юқоридаги суҳбат баҳона бўлди-ю, бу борада янада тизимлироқ, изчилроқ бандлар, меъёрлар зарурлигини ҳис қилдим.

Қонун ҳужжатларида "кўп болали оила" тушунчасига турлича мезонлар белгиланган. Масалан, ёш мезони — максимал ёш чегараси 16 ва 18 ёшгача, бола сони учтадан еттитагача, деб қайд этилган. Бу эса, табиийки, давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан ҳақиқатан муҳтож бўлган оилаларнинг тенг ҳуқуқли фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслигини, амалиётда ҳуқуқ нормаларини қўллашда ижтимоий адолат тамойили бузилишига шарт-шароит яратиб бераётганини кўрсатади. Шу каби омиллар қонун ҳужжатларида кўп болали оилаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш заруратини вужудга келтирмоқда. Яъни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу тушунчанинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Оила кодексига "кўп болали оила" тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қўшимча киритилмоқда. Унга кўра, ота-она ёки улардан бири билан бирга яшаётган тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган, шунингдек, кундузги таълим шаклида таълим олаётган йигирма икки ёшга тўлмаган болалари бўлган оилалар кўп болали оилалар ҳисобланиши белгиланмоқда. Бу билан таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги турли ёндашувлар бартараф этилишига, давлат ҳимоясига муҳтож кўп болали оилаларга ижтимоий адолат принципи асосида имтиёзлар берилишига, хусусан, турар жой, ер ажратиш, солиқ тўловлари ва бошқа бир қатор имтиёзлардан кенг фойдаланишга ҳуқуқий асос яратади ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Албатта, лойиҳа тасдиқланса, юқоридаги каби оилалар давлат томонидан берилаётган имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланади. Бу ҳам оила бюджетига, ҳам фарзандларнинг келажагига ижобий таъсир қилади. Қонун лойиҳаси тасдиқлангач, уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш зарур. Негаки, қонун кучга кирса-ю, унинг моҳияти ва бериладиган имтиёзларни юртдошларимиз билмаса, кўзланган натижага эришиш мушкул.

Меҳр-мурувват



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

# ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЁШЛАР МАНФААТИ — ЭЪТИБОРДА

**Рисолат МАДИЕВА,**
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Ногиронлиги бор ва имконияти чекланган шахсларга аввалдан юртимизда алоҳида эътибор қаратиб келинади. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.**



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази 2017 йил 13 декабрда ташкил этилган. У ўтган қисқа вақт давомида имконияти чекланган ёшлар қатлами, жумладан, ногиронлиги бўлган, кўзи ожиз, заиф эшитувчи ва муомала лаёқатига эга бўлмаган ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда тенг имкониятлар яратиб бериш, ҳуқуқий, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш борасида салмоқли қадамларни қўйди. Шунингдек, имконияти чекланган ёшлар ва болаларнинг таълим олишини яхшилаш, уларга ахборот бериш, янги кўникмаларни ўргатиш, ижодий интилишлари, бизнес ғоя ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож ёшлар ва болалар учун хайрия маблағларини жалб этиш ҳам марказнинг асосий фаолият йўналишларидандир.

Марказда болаларга туғилганидан бошлаб, 35 ёшгача ғамхўрлик қилинади. Нафақат болалар ва ёшлар, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам фаол мулоқотда бўлинади. Ёшлар, болалар, ота-оналар бўлимларида ўқув қўлланма, санъат, маданият, тадбиркорлик йўналишларида малакали мутахассислар иш олиб боради.

Айни пайтда марказ томонидан қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Юртимизнинг олис ҳудудларида уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга йўналтирилган "Сен ўз ҳуқуқингни биласанми?" лойиҳаси доирасидаги тушунтириш ишлари натижасида имконияти чекланган ёшларнинг олий ўқув юртларига кириш даражаси ўсди.

Марказда доимий тарзда "Мен жамиятда ўз ўрнимни топдим" мавзусида давра суҳбатлари ўтказилади. Бунда олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга кирган талабалар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг муаммолари ўрганилади. Муаммоларни бартараф этишга кўмаклашувчи волонтёр ёшлар танланади. Уларга жисмоний имкониятидан келиб чиқиб, турли фанлар билан қўшимча шуғулланиши мумкинлиги тушунтирилади. Айниқса, таълим олишига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, жисмоний имконияти нечоғлик чекланганидан қатъи назар, ёшларни турли касбга

> **— Кимнингдир ёрдами билангина ҳаракатланадиган ёшлар орасида сайтлар очган, компьютер технологияларини яхши биладиганларни кўп учратамиз. Ота-она ҳар қандай болага қанча меҳр берса, шароит яратса, натижа шунга яраша бўлишини яхши англаши керак. Шифокорлар назоратида оила қуриб, соғлом фарзанд кўрган ёшларимиз ҳам бор.**

ўқитиш мумкин. Марказ ходимларининг ярмидан кўпини II ва III гуруҳ ногиронлари бўлган йигит-қизлар ташкил қилиши ҳам бунга далилдир.

Вилоятлардаги координаторлар орасида ҳам имконияти чекланганлар бор. Улар жисмонан етук бўлмаса-да, жуда билимли, интилувчан, олий маълумотли ёшлар. Бу эса ҳаётда ҳамма нарсага эришиш мумкинлигининг исботидир.

— Ўзбекистонда имконияти чекланган, бироқ иқтидорли ёшлар кўп, — дейди марказ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шодиева. — Кимнингдир ёрдами билангина ҳаракатланадиган ёшлар орасида сайтлар очган, компьютер технологияларини яхши биладиганларни кўп учратамиз. Ота-она ҳар қандай болага қанча меҳр берса, шароит яратса, натижа шунга яраша бўлишини яхши англаши керак. Шифокорлар назоратида оила қуриб, соғлом фарзанд кўрган ёшларимиз ҳам бор. Шу боис, ота-оналар фарзандларини мустақил ҳаётга пухта тайёрлаши лозим. Шунингдек, имконияти чекланган ёшларга касбий таълим беришнинг масофавий шаклларини ривожлантириш зарур. Педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш дастурларини инклюзив таълим талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак. Умуман олганда, оммавий инклюзив касбий таълимга ўтиш давлат ва жамиятнинг вақтинчалик эмас, балки биргаликдаги изчил ҳаракатларини, жумладан, илғор хорижий тажрибани маҳаллий шароитга мослаштиришни тақозо этади.

Марказ ҳузурида "Меҳрли қўллар" хайрия фонди ташкил этилган. Унинг ҳисобига тушган маблағ имконияти чекланган болалар учун керакли дори-дармонлар ва операцияларга сарфланади.

— Бу хайрли лойиҳада сахий юртдошларимизнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Раъно Шодиева. — Айни карантин кунларида ҳам уларнинг ёрдами беқиёс бўлди. Биргина апрель ойининг ўзида марказимизга 2500 нафар фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг 1428 нафарига озиқ-овқат, гигиеник восита ҳамда дори-дармонлар етказиб берилди. Даволаниш ҳамда жарроҳлик амалиёти учун моддий кўмак сўраб мурожаат қилган 65 нафар фуқарога 67 миллион 475 минг 901 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ногирон фарзанди бор, руҳий тушкунликка тушган ота-оналар ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилди.

Ҳуқуқий жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган имконияти чекланган ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналарига қонунчилик доирасида ҳуқуқий кўмак берилди. Масалан, ногиронлик гуруҳини олиш бўйича мурожаат қилган икки нафар беморнинг тиббий меҳнат экспертизаси кўригидан ўтиш борасидаги мурожаати қаноатлантирилди.

Марказда ташкил этилган "Қувноқ болажон — орзулари бир жаҳон" мактабгача тайёрлов курси карантин пайтида дарсларни онлайн олиб борди.

Эшитиш ва нутқида нуқсони бор ёшлар ва болалар учун COVID-19 пандемиясидан ҳимояланиш бўйича имо-ишора тилида махсус видеоролик тайёрланди. Бундай болалар учун миллий мультфильмларнинг 25 таси имо-ишора тилига таржима қилинди.

Аутизм, даунга чалинган ҳамда ногиронлиги бор ёшлар ва болалар учун АВА-терапия рус тилидан ўзбек тилига ўгирилди. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи фуқаролар учун телеграм ижтимоий тармоғида махсус бот яратилиб, унга аудиокитоб ҳамда қонунлар жойлаштирилди. Ўзбек ва жаҳон мультфильмларининг баъзилари тифлокомментарияга ўгирилмоқда. Эшитиш ва нутқида нуқсони бор ёшлар ва болалар ҳамда уларнинг ота-оналарига "Сўзловчи қўллар" видеодарслиги онлайн олиб борилмоқда.

— Муҳими, биз имконияти чекланган ёшлар ва болаларнинг ҳаётга умиди ҳамда ишончини ошириб, улар ҳеч кимдан кам эмаслигини тушунтиришимиз зарур, — дейди Раъно Шодиева. — Зеро, ҳар бир инсоннинг қалбида келажакка бўлган муҳаббат бисёр. Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази олдида катта вазифалар турибди. Бу эса бизга янада катта масъулият юклайди.

Илм-фан



# ВАКЦИНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛЯПТИ

**Рисолат ҲАЙИТҚУЛОВА,**
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти ҳақли равишда Ўзбекистоннинг миллий бойлиги ва ғурури ҳисобланади. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига қарашли бу муассаса 1918 йилда микробиология лабораторияси сифатида ташкил этилган.**

1920 йили Ўлка бактериология институтига айлантирилган. 1950 йилдан бошлаб ҳозирги номи билан аталади. Институт таркибидан ажралиб чиққан бўлим ва лабораториялар негизида Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти, Самарқанд паразитология институти, Республика ўлатга, бруцеллёзга қарши станциялар, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг микробиология кафедралари ташкил топди. Институт олимларининг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон ва Марказий Осиёда ўтмишда кенг тарқалган, минглаб одамларнинг умрига зомин бўлган чинчечак, лейшманиоз, безгак, ришта, вабо, ўлат, тошмали тиф каби касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Бир асрлик тарихга эга институтда 120 дан зиёд вакцина ва зардоб, ташхис ва даволаш препаратлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ, Лотин Америкаси ва Африка қитъаси давлатларига экспорт қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги қарорига мувофиқ, институт Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги таркибига киритилди. Бу эса, ўз навбатида, вакцина, зардоб, иммунобиологик препаратлар ва уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда стандартлаштириш, мамлакатимизнинг вакцина мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

2020-2023 йилларга мўлжалланган "Маҳаллий қушқўнмас доривор ўсимлиги асосида импорт ўрнини босувчи "Гепанорм плюс" гепатопротектори таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш, уни стандартлаш ва клиникаолди синовларини ўтказиш" номли грантининг Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан молиялаштирилгани ана шундай эътибор самарасидир.

"Маҳаллий хомашёлар асосида суртма дори шакли технологиясини ишлаб чиқиш, стандартлаш ва биоэквивалентлигини баҳолаш", "Ичак иерсиниози касаллигини аниқлашга мўлжалланган маҳаллий диагностикум яратиш ва стандартлаш" каби яна иккита лойиҳа шу кунларда агентлик томонидан молиялаштирилиши кутилмоқда.

Институт профессорлари томонидан ишлаб чиқилган "Маҳаллий доривор ўсимликлар асосида янги антигипоксант дори воситасини яратиш", "Ичтерлама ва паратиф касалликларни аниқлашга мўлжалланган маҳаллий диагностикумни яратиш" каби грант лойиҳалар эса Инновацион ривожлантириш вазирлигига тақдим этилган.

— Зангиота туманида барпо этилаётган фармацевтика кластерида институтнинг замонавий ускуналар билан жиҳозланган илмий-текшириш лабораториялари ва тажриба-синов ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш режалаштирилган, — дейди Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти директори, фармацевтика фанлари номзоди Абдураҳмон Ашуров. — Шунингдек, институтнинг янги биноси 2021 йил охиригача ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Натижада 180 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Ташкил этилаётган ўндан ортиқ илмий лабораторияда 80 нафардан ортиқ илмий ходим, ишлаб чиқариш йўналишида эса 100 нафардан ортиқ мутахассис фаолият юритиши режалаштирилган.

Янги вакциналар тайёрлаш ва мавжудларини такомиллаштириш, даволаш учун ишлатиладиган зардоблар олишнинг янги, замонавий усулларини ишлаб чиқиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва диагностикасига тегишли препаратларни стандартлаш муаммолари институт олдидаги муҳим вазифалардан саналади. Бу борада ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Ичтерламага қарши ўтмишда ишлаб чиқарилган корпускуляр вакцина ҳозирга келиб, янги технология асосида молекуляр вакцинага айлантирилди. Бундай технология дунёдаги 70 фоизгача иммуногенлик даражага эга вакцинанинг самарадорлигини 100 фоизга етказиш имконини беради.

— Полиомиелит вакцинасини дастлабки босқичларда Россия Федерацияси корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидамиз. Айни пайтда бу бўйича музокаралар олиб борилмоқда, — дейди Абдураҳмон Ашуров.

— Кейинчалик дифтерия ва қизамиққа қарши вакциналарни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишлари режалаштирилган.

Сил, кўкйўтал, бўғма, қоқшол, ичтерлама, В гепатити касалликларига қарши вакциналар ишлаб чиқариш жараёни тикланмоқда. Бу борада нафақат профилактик, ҳаттоки терапевтик вакциналар яратиш борасида илмий лойиҳалар олиб бориляпти.

Тиббиёт ва ветеринария учун долзарб бўлган зооноз касалликларга қарши вакцина ва зардоблар ишлаб чиқаришни Ветеринария илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда амалга ошириш кўзда тутилган. Зеро, бундай препаратларга эҳтиёж катта. Хусусан, бруцеллёзга қарши препаратларга нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам талаб кучли.

Дунёни таҳликага солган COVID-19 пандемияси жаҳон олимлари қатори ўзбек мутахассислари олдига ҳам инфекцияга чалинган беморларни даволашнинг самарали усулларини яратиш вазифасини қўйди.

— Коронавирусдан соғайган инсонларнинг қон зардобини оғир аҳволдаги беморларга қуйиш орқали даволашга ҳаракат қилинди, лекин унинг самараси сезиларли бўлмади, — дейди институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Иброҳим Маматқулов. — Шу боис, мутахассисларимиз қон зардобларини касалликнинг илк даврида, енгил шаклларида небулайзерлар орқали қўллашнинг янги услубини ишлаб чиқди ҳамда патент олиш мақсадида маълумотларни Интеллектуал мулк агентлигига топширди.

Айни пайтда ҳаётий зарурат юқори бўлган қатор препаратлар технологиялари институт ходимлари томонидан тиббиёт амалиётига татбиқ этилиш арафасида. Ичтерламага қарши молекуляр суюқ вакцина, илон заҳрига қарши зардоблар, бифидумбактерин НИИВС ва биокальций НИИВС каби дори воситалари шулар жумласидандир.

Соғлиқни сақлаш учун талаб этиладиган маҳаллий иммунобиологик дори воситалар — вирусли В гепатитига қарши вакцина, антирабик (қутуришга қарши) иммуноглобулин, АКДС, БЦЖ, стафилококкга қарши гаммаглобулин, аллергенлар, ташхис воситаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Булар маҳаллий фармацевтика бозорини ривожлантириш, аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар салмоғини ошириш имконини беради.



**Беҳбудийнинг буюклиги шундаки, у миллат тараққиёти учун ҳамиша долзарб бўлиб қоладиган, барча давр ва замонга бир хил тегишли бўлган муаммо ва масалаларнинг ўқтомирига назар солиб, унинг иллатига аниқ ташхис қўя олган ва мазкур камчиликларни бартараф этиш чораларини ҳам илмий ва ҳаётий жиҳатдан асослаб берган.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 10 июнь, 104-сон

**Адиблар хиёбонидаги ўйлар**

# МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЙСИ ХАЁЛИЙ ОРЗУ-ҲАВАСДА ЭМАС, ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИДАДИР



Муаллиф Абдуллаев олган сурат.

**Наргиза ШОАЛИЕВА,**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

**Адиблар хиёбони миллат фидойиларининг чексиз илму зиёси билан нурланди. Айниқса, педагоглик мақомини ўша даврдаёқ ортиғи билан оқлаб, порлоқ келажак пойдеворини қўйган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўлларини эндиликда чуқур ўрганиш ёшларда миннатдорлик кайфиятини уйғотди. Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг илму толиблари Беҳбудийнинг бой маънавий меросини ўрганишдан ташқари, бу борада тўпланажак бебаҳо маълумотларни бутун республикамизга тарғиб қилишга бел боғладилар.**

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасида Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг энг йирик намояндаси, янги давр ўзбек маданиятининг асосчиларидан биридир. Туркистонда янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургиясини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист ҳамдир.

Беҳбудий тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. XVI асрдан бошланган инқироз ва турғунлик, турли низолар халқни ҳолдан тойдирганди. Бундан фойдаланган кучлар эса ўлкани забт этиб, турғун ва тутқун сақлашга уринарди.

Шундай бир мураккаб даврда Туркистонда "Усули жадид", "Усули савтия" номлари билан шуҳрат топган янги мактабларни айнан жадидлар ташкил қилиб, биринчи бўлиб замонавий мактаб ғоясини илгари сурдилар. Улар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлол ғояси сари етаклади. Шеър ва мақолалар, саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан эди. Аллома ҳаётида жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспринскийнинг хизмати катта бўлган. Беҳбудий ўз хотираларида устози билан учрашувларини ихлос ва муҳаббат билан тилга олган.

Беҳбудий ҳаж сафарида бўлган чоғида Арабистон, Миср, Туркияни кезиб чиққан (1899 -1900 й.). Сафар давомидаги таассуротлари, мулоқот қилган инсонлари, шунингдек, ҳар хил дин вакиллари ва муқаддас жойлар ҳақида ўз кундаликларида ёзиб боради. Кейинчалик эса бу ҳақда ўзининг "Ойина" журналида кетмакет мақолалар эълон қилган.

Беҳбудий сафарда кўрганларини мушоҳада қилиб, Туркистон ўлкаси билан таққослайди. Ўз халқининг ривожланаётган бошқа эллардан орқада қолаётгани маърифатпарварнинг қалбини эзарди. Илму маърифатдан бебаҳра қолган оммани билимсизлик ботқоғидан қутқариш йўлларини изларди. Ўзга юртларга қилган саёҳати давомида эса янги (усули жадид) мактабларини очиш фикрига келади.


**Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси асосида саҳналаштирилган спектакль, (2018 йил).**

Шундан сўнг, Самарқанд яқинидаги Ҳалвойи қишлоғида Ажзий, Ражабаминда Абдулқодир Шакурий билан ҳамкорликда янги мактаб очиб, улар учун дарсликлар тузишга киришади. Жумладан, "Рисолаи асбоби савод" ("Савод чиқариш китоби", 1904 й.), "Рисолаи жуғрофияи умроний" ("Аҳоли географиясига кириш", 1905 й.), "Мунтаҳаби жуғрофияи умумий" ("Қисқача умумий география", 1906 й.), "Китобат ул-атфол" ("Болалар хати", 1908 й.), "Амалиёти ислом" (1908 й.), "Тарихи ислом" (1909 й.) каби китоблар чоп эттиради. Кейинчалик 1908 йилда Шакурийнинг Ражабаминдаги мактабини Самарқанддаги ўз ҳовлисига кўчириб келади.

1903-1904 йилларда Москва, Петербургда, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Беҳбудий у ерларга саёҳат эмас, хизмат сафари билан боради. Масалан, Нижний Новгородда 1907 йилнинг 23 августида Россия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултойда иштирок этади. Қурултойда Беҳбудий туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва нутқ сўзлайди.

Қуйида Беҳбудий томонидан қилинган маърузадан парча келтирамиз:

**"Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмайди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ керак. Миллат ва ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ лозим. Миллат учун ойна керак, токи унда ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин".**

Айни мана шу зарурат Беҳбудийни театр ва матбуотга эътибор қаратишга ундади. 1911 йилда "Падаркуш" драмаси яратилди. Бироқ унинг саҳна юзини кўриши осон кечмайди. Асар 1913 йилдагина китоб ҳолида босилиб чиқади. Китоб жилдига "Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади", деган ёзув билан Тифлис цензурасидан рухсат олинади. Босилиб чиққанидан кейин ҳам саҳнага қўйиш учун бир муддат вақт кетади.

Бу биринчи ўзбек драмаси эди. 3 парда ва 4 манзарали асар мазмунан содда бўлиб, ўқимаган, жоҳил ва нодон боланинг ўз отаси ўлимига сабабчи бўлиб қолиши ҳақида эди. Беҳбудий бу асар жанрини "миллий фожиа", деб атаган. Асар 1914 йил 25 январда Самарқандда намойиш этилади. Драма халққа кучли таъсир кўрсатади. Абдулла Қодирий "Бахтсиз куёв" драмасини айнан Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси таъсирида ёзганини айтади. "Падаркуш" ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра, ўзбек адабиётида ўзига хос янги даврни бошлаб берган асар бўлди. Драма Тошкентда 1914 йил 27 февралда Абдулла Авлоний томонидан қайта саҳналаштирилади.

1913 йили Маҳмудхўжа Беҳбудий "Самарқанд" газетасини чоп этишни бошлайди. Газета ўзбек ва тожик тилларида, ҳафтада 2 марта нашр этилади. Маърифатпарвар бобомизнинг ўз маблағлари ҳисобидан чоп этилаётган нашр 45-сонидан сўнг моддий танқислик туфайли тўхтатилади. Аммо шу йилнинг 20 августидан "Ойна" журнали чиқа бошлайди. Ҳафталик бу журнал, асосан, ўзбекча бўлиб, шеър, мақола (форсча), эълонлар (русча) бериб борилган. Журнал Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача тарқалади. Шунингдек, Беҳбудий китоб чоп этишни ҳам йўлга қўяди. Дастлаб Абдурауф Фитратнинг "Баёноти сайёҳи ҳинди" асарини русчага таржима қилдириб, нашр этади (1913 й.).

Маърифатпарвар аллома 1914 йилнинг 29 майида иккинчи марта араб ва чор Россияси мамлакатларига саёҳатга чиқиб, Байрамали, Ашхобод, Красноводск, Кисловодск, Пятигорск, Железноводск, Ростов, Одесса шаҳарларида бўлади ва 8 июнда Истанбулга келади. Ундан Аданага ўтиб, яна Истанбулга қайтади ҳамда 20 июнда Исмоилбек Гаспринский билан учрашади. Сўнг Қуддус, Байрут, Ёфа, Халилар-Раҳмон, Порт-Саид, Шом шаҳарларида бўлади. "Ойна" журналида акс этган саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан муҳим бўлиб, анъанавий тарихий-мемуар жанрнинг XX аср бошидаги ўзига хос намунаси эди. Маърифатпарвар унда йўл таассуротлари, кишилар билан учрашувларининг ибратли томонларига кенг урғу беради. Қайси шаҳарга бормасин, унинг тарихи, обидалари, буюк зотлари ҳақида маълумотлар тўплайди. Турли миллатлар, уларнинг урф-одатлари, турмуш маданияти билан қизиқади. Айниқса, дин, эътиқод масалаларига жиддий эътибор беради.

"Ойина" журналида миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқи, тарихи, тил ва адабиёт масалалари, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тилни билиш шарт, деб ҳисоблайди. Журналнинг биринчи сонидаёқ "Икки эмас, тўрт тил лозим" мақоласи билан чиқиб, ўзбек, тожик, араб, рус ва ҳатто бирор узоқ хориж (масалан, француз) тилини ҳам билиш зарурлигини уқтиради.

Айни пайтда тилнинг муҳофазаси ("Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар", 1914 й.), ўзаро муносабатлари ("Тил масаласи", 1915 й.) мавзуларида муҳим ва зарур мақолалар чоп эттиради. Адабий танқидга катта эътибор беради. Унинг хусусиятларини белгилашга уринган. Бошқа адабий жанрлар билан тенг ҳуқуқлиги масаласини кўтариб, "Танқид сараламоқдир" мақоласини эълон қилади. Миллат шаънини оёқости қилувчи фикр-қарашларга зарба бериб, Туркистон халқини ўз номи билан атамоқ лозимлигини тарғиб қилган "Сарт сўзи мажҳулдур" мақоласи нашрларда босилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий матбуотимиз тарихида ўз мавқеига эга. Унинг ҳозиргача аниқланган мақолалари сони 300 тага етади. Илк мақолаларидаёқ коммунистик мафкурани кескин рад этиб, "Хаёлий", "Бу тоифага қўшулмоқ биз, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлик", деб ёзган эди "Хуршид" газетасининг 1906 йил 6-сонида чоп этилган "Хайру лумури авсатуҳо" (Ишларнинг яхшиси ўртачасидир) сарлавҳали мақоласида. Бундан ташқари, ўзликни англаш муҳимлигини "Сарт сўзи мажҳулдур" мақоласида: "Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдурғонларни "маркуқ" дерлар", дея ёзади.

1917 йилнинг охири 1918 йилнинг бошларида жадидлар қурган илк демократик давлатчилик намунаси — Туркистон мухториятининг тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда ўлка халқларини бирликка чақиради.

Беҳбудий ижтимоий-сиёсий ишларга қизғин қўшилади. Аслида бу фаолият 1906 йилдан бошланган. Тошкентда бўлиб ўтган (1917 й.) Туркистон мусулмонлари қурултойида иштирок этиб, нутқ сўзлади. У мусулмонлар орасидаги ҳар қандай ихтилофга қарши чиқади. Шу қурултойда Беҳбудий ўлка мусулмонлари шўросининг раиси этиб сайланади.

1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг 4-фавқулодда қурултойи иш бошлайди. 27 ноябрга ўтар кечаси эса "Туркистон мухторияти" эълон қилинди. Унинг ғоявий асосчиларидан бири Беҳбудий эди. Мухторият шўролар томонидан ваҳшиёна бостирилади. Май ойининг бошларида Самарқандга қайтган Беҳбудий у ерда кўп тура олмай, Тошкентга келади. Туркистон шўролар ҳукумати раҳбарлари билан музокара олиб боришга уринади, аммо натижа чиқмайди. 1919 йилнинг эрта баҳорида мамлакатдан чиқиб кетаётганида Шаҳрисабзда Инқилобий фавқулодда комиссия айғоқчилари кўмагида Бухоро амирлиги одамлари томонидан қўлга олинади. Ҳамроҳлари Муҳаммадқул ва Мардонқул билан биргаликда Қаршида зиндонга ташланади ва қатл қилинади. Бу воқеа Самарқандда бир йилдан кейин маълум бўлади. Фитрат, Чўлпон, Айний ва бошқа зиёлилар Беҳбудийга атаб марсиялар ёзганлар.




Беҳбудийнинг буюклиги шундаки, у миллат тараққиёти учун ҳамиша долзарб бўлиб қоладиган, барча давр ва замонга бир хил тегишли бўлган муаммо ва масалаларнинг ўқтомирига назар солиб, унинг иллатига аниқ ташхис қўя олган ва мазкур камчиликларни бартараф этиш чораларини ҳам илмий ва ҳаётий жиҳатдан асослаб берган.

Жумладан, миллатнинг тараққиёти ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун одамларнинг ҳаёт маслаги, орзу-аъмолини тўғри шакллантириш лозимлигини таъкидлайди. Масалан, "Аъмолимиз, ё ички муродимиз" мақоласида умрининг учдан икки ҳиссасини машаққатли меҳнатга сарфлаган косибнинг косаси оқармаслигига асосий сабаб топганини фарзандлари билимли бўлишига эмас, балки тўй-ҳашамдаги исрофгарчилик ва ортиқча орзу-ҳавасга сарфлашида, деб билади. Натижада у ўзининг мақолаларидан бирида: "Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ёки гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобеъдур, бизнинг уламо билъакс авомга тобеъдур. Бунинг охири харобдур", деб аччиқ алам билан таъкидлайди.

"Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмайди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ керак. Миллат ва ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ лозим. Миллат учун ойна керак, токи унда ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин".

Шунинг учун ҳам тараққиётга эришиш учун фарзандлар камолотига сарф қилинадиган моддият тўй-ҳашамлар, хаёлий орзу-ҳавас йўлида эмас, балки маънавий юксалиш, илм-маърифатли бўлишига йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаган Беҳбудий, биринчи навбатда, мактаб ва маориф тизимини ислоҳ қилиш, онгли шахсларни тарбиялаш, фикр қарамлиги ва тафаккур қуллигидан халос этишни орзу қилган ва бутун умрини шу мақсадга бағишлаган. Беҳбудийнинг бундай хулосалари бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотмайди.

Мисол учун, унинг "Самарқанд" газетасида 1913 йил 30 июль куни чоп этилган "Миллатлар қандай тараққий этарлар" мақоласида бундай сўзлар келтирилади: **"Ҳар замон учун асбоби ислоҳ ва тараққий ионат бошқарур. Миллатга ионат этмоқ учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига бола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъаткорларни ривож бермоқ учун "қамийяти хайрия", "нашри маориф", қироатхоналар, фўндлар, куружуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар... керакдур. Миллатлар тараққийси шул ила бўлур ва бу ишларга оқча керакдур, оқча бойларда ва афродда!..**

***Маро ба тажриба маълум шуд даро ҳар кор,***
***Ки қадри мард ба илм аст қадри илм ба мол".***

(Маъноси: "Менга тажрибадан маълум бўлдики, одамда қанчалик илм бўлса ҳам илмнинг қадри молдадур").

Юқоридаги биргина шу мисол орқали ҳам фаҳмлаш мумкинки, маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳар бир ёзган мақоласида эл-юрт фаровонлиги, давлат ва жамият ривожи, кишиларнинг илм ва юксак маънавият соҳибига айланиши учун ҳаракат қилган.

Беҳбудий ҳаёти ва ижоди, илмий-маънавий бой меросини ўрганиш ҳар доим долзарб бўлган. Ўзбекистонда Б.Қосимов, Ҳ.Сайид, Н.Авазов, З.Аҳророва, Тожикистонда Р.Ҳодизода, Германияда И.Балдауф (ўзбекистонлик Б.Қосимов билан ҳамкорликда), АҚШда Э.Олворт, Эронда Ҳусайнпур Акрам каби олимлар Беҳбудий ҳаёти ва ижоди бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Пойтахтимиздаги кўплаб шаҳар ва кўчалар, мактабларга Маҳмудхўжа Беҳбудий номи қўйилди.

Бугун Беҳбудий сингари маърифатпарвар жадид боболаримиз муқаддас тутган юрт озод ва мустақил бўлди. Улар томонидан аждодларимиз амал қилиб келган асрий анъаналар, урф-одатлар, миллий маданий ва маънавий ўзлик бизгача безавол етиб келди. Албатта, биз жадид боболаримизга муносиб ворислар бўлиб, улар тутган эзгулик ва миллий юксалиш йўлидан адашмай боришимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси жамоаси Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмоновга онаси **Саодатхон АБДУРАҲМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1459.
43135 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:50 Топширилди — 00:20

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru